

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

ИМКОНИЯТ

Асримизнинг улуг' ёзувчиси Хемингуэй, мен буюкликнинг чўққисига етишдим, лекин имкониятим чегарасини кўра олмадим, деган экан. Ўтган жума куни бўлиб ўтган Республика прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар таҳлили натижасида бажарилган ишлар ижобий баҳолангани ҳолда прокурор-тергов ходимлари мавжуд имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланишлари мумкин эди, деган тўхтамга келинди.

Кун тартибидаги биринчи масала — «Қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида» Бош прокурорнинг буйруғи талабларини бажариш юзасидан ўтказилган текшириш натижалари ҳақида Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи Назрулло Файзуллаев ахборот берди. Унинг таъкидлашича, бу борада йўл қўйлаётган камчиликлар Республикамаизда жиноятчиликнинг умумий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган манзил колониялари фаолиятини назорат қилишга доир йўриқнома талабларининг тўла бажарилишига эришиш, судлар ва ҳудуд нозирларининг фаолиятини мувофиқлаштириш орқали аҳволни ўнглаб олиш мумкин. Маҳкумларнинг яна жиноят содир этиши фавқуллоҳда ҳол деб баҳолансин ва прокурорлар бу ҳақда албатта Республика прокуратурасига ахборот бериб боришлар.

Бу борада жиддий камчиликларга йўл қўйган Тошкент, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари прокуратураларининг масъул ходимлари тўшунтириш бердилар.

Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи Светлана Ортиқова Бухоро вилояти прокуратураси идораларида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш соҳасида эришилган ижобий натижаларни таъкидлаган ҳолда, қонунлар ижросининг таҳлилини янада чуқурлаштириш зарурлигини ўқдириб ўтди. Масалан, Қоровулбозор туман прокурори умумий назоратнинг аҳолидан келиб чиқиб, прокурорлик таъсир чораларини кўрмаган. Прокурорнинг қатъиятсизлиги натижасида туман ҳокимининг ноқонуний қарорига берилган протест 4 ой қаноатлангизилмасдан қолиб кетган. Вилоят ИИБ ходимлари фуқароларнинг ариза-шикоятларига етарли даражада аҳамият бермаётдилар. Натижада жиноятларни яшириш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Ҳар бир яширилган жиноят бизнинг жиноятчиликка қарши кураш тадбирларимизга салбий таъсир кўрсатишини доим ёдда тутайлик.

— Уэлари белгилаб олган иш режасининг бажарилишини таъминлаш Республика прокуратураси идораларида иш юритишнинг бирмунча бўшашиб кетганлигини кўрсатади, — деди Рес-

публика прокуратурасининг бўлим бошлиғи Бурхон Усмонов мазкур вилоят прокуратурасининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилишдаги фаолиятини текшириш яқунлари ҳақида ахборот берар экан. — Президентимиз Ислоҳ Каримов халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида прокурорларимизнинг қонунбузарликларга нисбатан муросасозлик қилаётганликларини жуда тўғри кўрсатиб ўтдилар. Ахир Ангор туман прокурорининг жиноятларни нотўғри малакалари, Термиз туман прокурорининг бир бегуноҳ фуқаронинг асосий қамоқда сақланишига изн берганлиги, кўчада одам уриб кетган қондабузарнинг ҳокимнинг ўғли бўлгани учун бошини силаган прокурор фаолияти умумий аҳвол қайси йўналишда ривожланаётганини кўрсатмайдими?

Ҳайъат йиғилиши Сурхондарё вилоят прокуратурасининг ҳайъат мажлисида ишни удалай олмаётган ходимларнинг фаолиятига вазифасидан озод қилишга бўлган чоралар билан қатъий баҳо берилганини эътиборга олди; вилоятга янги тайинланган прокурор аҳоли теъзада ўнглаб олиш чораларини кўради, деб ишонч билдирди.

Шунингдек, ҳайъат мажлиси Республика прокуратурасининг фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш ҳамда воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўлимларининг низомиларини маъқулади.

— Бухоро, Сурхондарё ва бошқа вилоятларда қонунларга амал қилинишининг аҳоли таҳлил қилинганда прокурорларимиз мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаётганликлари очиқ кўриниб қолди, — деди Ҳайъат мажлисига яқун ясар экан Республика Бош прокурори Рашид Қодиров. — Ўз камчилигини кўра олмаган прокурор бу имкониятни топа олмайдди. Агар атрофингизга қараб юрмай, халқдан ажралиб қолсангиз, ишингиз ҳеч қачон илгарига босмайди. Прокурорлик ҳеч қачон амал, бошқалардан бир поғона юқори турадиган мавқе бўлмаган. Бу энг аввало, сизга билдирилган ишончдир. Қўпчиликнинг хурматини қозониш, бошқаларга ибрат бўлиш орқали уни оқлаш мумкин.

Ҳайъат мажлиси муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.



— Ҳадемай бу ниҳол ҳам сен каби униб-ўсади, қизим!

Р. НУРИНБОЕВ сурати

Ушбу сонда

ФАРМОН ВА ИЖРО

Қонуни ва қарорлар ижросини тўла-тўқис таъминламай туриб, ислохотларда кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди.

2-3-БЕТЛАР

ШАРИПОВНИНГ АЙБИ НИМА?

... Киши ҳақ бўла туриб, кимгадир пора бериши мумкинми? Мумкин, фақатгина бунинг учун одам ўта гўл бўлиши керак ёки... Лекин ака-ука Қодировлар биз ўйлагандан кўра ақллироқ эди.

6-7-БЕТЛАР

КЕМБРИЖНИНГ СИРЛИ ТЎРТЛИГИ

1951 йилда совет агентлари Бержен ва Маклинларнинг фош этилиши СССРнинг Буюк Британиядаги жосуслик тармоқларининг издан чиқишига олиб келди.

7-8-БЕТЛАР

«ХУКУК»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов, Ботир Пўлатов, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Дилшод Исломов (масъул котиб), Лола Шомуродова, Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот қўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яхё Фуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Газетада босилган факт ва далиллар учун муаллиф масъул. Нашримиздан кўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ** белгиси остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят компьютер марказида Pentium-II MMX - 333 компьютерида сақланган.

Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.Саидов бажарган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида офсет усулида А-3 форматда чоп этилган. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-232 Нусхаси — 18729

Босмаҳонага топшириш вақти 20.00 Босмаҳонага топширилди 17.30

Газета ҳафтанинг чоршанба кунлари чиқади

Навбатчи Н.МАХМУДОВ

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

ФАРМОН ВА ИЖРО

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бозор иқтисодиётига ўтишининг навбатдаги босқичи вазифаларини бажаришга доир бир қатор муҳим фармонлари ва маънакатимиз қонунлари қабул қилинди. Бундай муҳим ҳужжатлар ижросини тўла-тўқис таъминламай туриб ислохотларда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Бугунги кунда Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва қонунларнинг бекаму - кўст бажарилишини таъминлаш Республика прокуратураси идораларининг доимий диққат марказида турибди. Прокуратура идоралари томонидан олиб борилаётган бир қатор текширувларда жиддий қонунбузарликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш борасида амалий тадбирлар кўрилмоқда. Саҳифаларимизда прокуратура фаолиятининг ана шу қирралари ҳақида сўз юритилади.

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Республика прокуратураси қошидаги идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилишида прокуратура идоралари томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мулкни сақлаш тўғрисидаги қонунлар ижроси, инсонпарварлик ёрдамнинг тақсимланиши ва ишлатилишининг қонунийлиги юзасидан ўтказилган текшириш аяқлари муҳофаза этилди. Унда Республика прокуратурасининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоят прокурорларининг масъул ўринбосарлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят бошқармалари, Ижтимоий таъминот, Молия вазирлиги, Қасаба уюшмалари ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг масъул раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи Ҳамза Маҳмудов кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилди.

— Аҳоли соғлигини муҳофаза этиш, ўсиб келаётган авлод саломатлиги учун қайғуриш мамлакатимиз мураккаб ҳаётининг кундан кундан бошлаб Президентимиз ва Республика ҳукумати олиб бораётган ижтимоий сийосатнинг диққат марказида ўрин олган.

Шунга қарамай Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги муассасаларида «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»-ги қонун билан боғлиқ вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Текшириш давомида аниқланган маълумотлар таҳлили касаллиқнинг олдини олишга доир профилактик ишлар етарлича йўлга қўйилмаганлигиндан далолат беради. Бу ҳар юз минг киши ҳисобига беморлик ташвиши қўйилганларнинг ўтган йили нисбатан кўпайганилиги билан изоҳланади. Бу кўрсаткич айниқса Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ўсган. Юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳолини, айниқса болаларни бундай касалликларга қарши вакциналар билан эмлаш соҳасида ҳам жиддий муаммолар мавжуд.

Қизамиққа қарши эмлашни тўғри ўтказмаганлиги учун Уртачирчиқ ва Деҳқонobod туманида айрим шифокорлар эндиликда қонун олдида жавоб бермоқдалар.

Мавжуд аҳвол тери-таносил касаллиги билан оғриган беморлар устидан назоратни янада кучайтиришни тақозо этади.

Ҳомилдор оналарда камқонлик касаллигининг олдини олиш чоралари етарли даражада ташкил этилмаганини оқибаотида бу борада ҳам касаллиқнинг ўсишига йўл қўйилган.

Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А.Ҳазраткулов ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаганлиги, назоратни етарли даражада ташкил этилмаганини натижасида ўтган йили вилоятда оналар улимнинг кўпайганилиги ҳолатини ҳисобдан яшириш билан бекитмоқчи бўлган.

1995 йилдан 2000 йилга қадар Тошкент шаҳри, Навоий, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм ви-

лоятларида чақалоқлар ўлими республикадаги ўртача даражадан юқори даражада сақлиб қолаётганилиги бу минтақалардаги барча масъул ўртоқлари ташвишлантириши керак.

Гипократ қасамини бузиб, беморларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатмагани учун ҳозир суд олдида жавоб бераётган малакасиз ва масъулиясиз, таъмагир тиббиёт ходимларининг ҳақиқий қиёфасини бугун кўпчиликка ошқор этайлик. Токи орамизда бундайларга ўрин бўлмасин.

Молия вазирлиги томонидан 1999 йил давомида Соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларининг 23 фоидада тафтиш ўтказилиб, 49 млн. сўмлик ноқонуний харажат, камоматларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатмагани учун ҳозир суд олдида жавоб бераётган малакасиз ва масъулиясиз, таъмагир тиббиёт ходимларининг ҳақиқий қиёфасини бугун кўпчиликка ошқор этайлик. Токи орамизда бундайларга ўрин бўлмасин.

Молия вазирлиги томонидан 1999 йил давомида Соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларининг 23 фоидада тафтиш ўтказилиб, 49 млн. сўмлик ноқонуний харажат, камоматларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатмагани учун ҳозир суд олдида жавоб бераётган малакасиз ва масъулиясиз, таъмагир тиббиёт ходимларининг ҳақиқий қиёфасини бугун кўпчиликка ошқор этайлик. Токи орамизда бундайларга ўрин бўлмасин.

Беморларга дори-дармон тарқатиш ва озик-овқат таъминотида ҳам жиддий суистеъмолчиликлар мавжуд.

Меҳр-муруват ёрдами сифатида олинган дори-дармон, гигиена буюмлари ва жиҳозлардан фойдаланишда ҳам қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда.

Айрим прокуратура идораларининг мазкур йўналишдаги фаолиятида жиддий хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган, деди сўзининг пиروвардида маърузачи.

Д.Асадов, Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1-ўринбосари:

— Соғлиқни сақлаш соҳасида 400 мингта врач, ҳамшира ва бошқа медицина ходимлари фаолият кўрсатади. Ўтган йили 5 млн.дан ошди фуқароларимизга медицина ёрдами кўрсатганмииз. Шулардан 800 мингтаси жароҳлиқ муолажасидир. Давлатимиз соғлиқни сақлаш соҳасига ҳар йили миллиард-миллиард сўм маблағ ажратади. Мана шуларнинг ўзидек иш ҳажмининг ниҳоятда катталлигини, прокуратура ходимлари билан бу борадаги ҳамкорлигимиз мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини юксак даражага кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу маънода бугунги мувофиқлаштирувчи кенгашининг биз учун аҳамияти ниҳоятда катта.

АСОСИЙ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 мартдаги «Рангли металллар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросининг таъминланиши юзасидан Сирдарё вилояти прокуратура идоралари томонидан ҳам тегишли чора-тадбирлар олиб борилмақда.

Вилоятда рангли металлларни қабул қилиш ва топшириш ишлари билан «Сирмет» хусусий фирмаси шуғулланади. Унинг асосий фаолияти ҳўжалик юритувчи субъектлардан, шунингдек божхона ва ички ишлар бошқармаларидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қабул қилиш ва тозалаб навларга ажратган ҳолда «Ўзиккиламчиранглиметалл» ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузган, холос. «Сирмет» томонидан мазкур жамиятга ўтган йил давомида алюминий, кўрғошун, мис, латуни, бронза ва бошқа турдаги 156,8 тонна рангли металл топширилган. Металлларнинг 74,1 тоннаси божхона, 1 тоннаси ИИБ идоралари ва 71,7 тоннаси бошқа қорхона, ташкилотлар томонидан топширилган. Жорий йилнинг биринчи ўн кунлигига қадар эса 47,9 тонна рангли металл парчаларни қабул қилиниб, 50,2 тонна шундай металл «Ўзиккиламчиранглиметалл» ҳиссадорлик жамиятига топширилган.

«Сирмет» хусусий фирмасида рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қабул қилиш ва сақланиши аҳоли текширилганда, қуйидаги қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилганилиги аниқланди. Жумладан, ўлчов асбоблари давлат стандарт идораларидан метеорологик ва назорат текширувларидан ўтказилмаган. Фирма омборларида рангли металл парчалари қониқарсиз аҳволда сақланган. Фирма раҳбарлари эса рангли металл парчаларини тозалаб вақтида ифлосланиш микдори фоизини «Ўзикки-

СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ



Кўғирчоғинг берсанг, қутича ясаб бераман...

Р. НУРИНБОЕВ сурати

ФАРМОН ВА ИЖРО

ЭЪТИБОРДА

ламчиранглиметалл» ҳиссадорлик жамияти рангли металл парчаларини қабул қилишдаги ифлосланиш миқдори физизига нисбатан кўп қўйиб келган. Бунинг оқибатида шу йил ҳисобидан 820 кг. ортиқча рангли металл «даромад» қилинишига эришилган. Текширув ўтказилган кунга эса 17 кг. металл камомати борлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан фирма раҳбари Б.Умарқўлиевга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзғатилди.

Шунингдек, корхонада ходимлар учун етарли иш шартлари яратилмаганлиги, махсус кийим-бошларнинг йўқлиги, ювниш хоналари ташкил этилмаганлиги, металлларни тозалаш ва чиқиндилардан ажратиб қўллашнинг амалсиз эриштирилмаганлиги йўқлиги қайд этилди. Ёнгинга қарши кураш мосламалари, тўпланиб қолган чиқиндиларни махсус жойларга олиб чиқиш хусусида эса фирма раҳбарлари умуман бош қотирмаганлар. Корхона бошлиғи номига ушбу қонунбузарликларни зудлик билан бартараф этиш ҳақида амрнома юборилди.

Кейинги пайтда вилоят ҳудудида рангли металллар ва таркибда рангли металллар бўлган мослама ва симларни ўғирлаш ҳолатлари қайд этилмоқда. Ушбу ҳолат ҳисобига олинган ҳолда вилоят прокуратураси ташаббуси билан бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар олиб берилмоқда. Содир этилган қонунбузарликлар юзасидан эса жиноят ишлари кўзғатилди. Масалан, ўтган йилнинг 28 декабрида Боёвут тумани ҳудудидаги трансформатор узатгичи ўғирланган. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят сув кўтариш иншоотлари ва алкока бошқармаси мурожаат хати билан туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилган.

ИИБ эса хатни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказмаган ва ўғирликни фош этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрмаган. Юқоридаги ҳолат юзасидан Боёвут туман прокуратураси томонидан жиноят иши кўзғатилди ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш учун туман ИИБга юборилди.

Шу йилнинг 17 март куни эса тумандаги Навоий номили жамоа ҳўжалиги ҳудудидан ўтвчи «Дўстлик» каналининг 11/5 километрида 548 метр, баҳоси 22540 сўмлик симлар ўғирлаб кетилган. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам туман прокуратураси томонидан жиноят иши кўзғатилди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва сотиш юзасидан назоратни кучайтириш, рангли металл парчалари ва чиқиндиларни бўйича ҳар бир ноқонуний хатти-ҳаракат юзасидан батафсил равишда жавобгарликка тортишди.
(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 мартдаги «Рангли металл парчалари ва чиқиндиларни ўғирланиши ҳамда четта ноқонуний олиб чиқиш кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан)

1999 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида рангли металл парчалари ва чиқиндиларини республикамиз ҳудудидан гаيرқонуний олиб чиқиб кетилиши юзасидан 422 та ҳолат аниқланган. Вилоят ички ишлар идоралари эса таркибда рангли металллар мавжуд бўлган сим ва бошқа мосламаларнинг ўғирланиш ҳолати юзасидан 153 та жиноят иши кўзғатилган.

Юқоридагилардан кўринадики, рангли металллар билан боғлиқ жиноятлар миқдори анча салмоқли. Бундан давлат ва халқ манфаатларига етказилган зарарлар эса ундан ҳам салмоқли рақамларни ташкил этади. Шу сабабдан ҳам вилоят прокуратураси ташаббуси билан бу борадаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилди ва бу масала асосий эътиборда бўлаверади.

Зафар УСМОНОВ, Сирдарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори

Дарҳақиқат, кўпмақсадли кезиб юрган далаларда бош кўтарган майсалар ҳадемай бошоқ тортиб, дастурхонимиз кўрми бўлган улугъ неъматнинг илк ҳосилини бера бошлайди. У ҳали майса. Эртага бугдод, кейин эса унга айланади. Халқимиз кўзга суртиб, ардоқлаган неъмат-ноннинг дастурхонимизда сероб бўлиши айти қулларда галла экинлари пайхон бўлишига йўл қўймаслигимизга боғлиқ. Кеч кузда бободехон ерга қадаган уруғ ўз-ўзидан нонга айланиб қолмайди. Унинг пешона тери эвазига тупроқни ёриб чиққан майсаларга боқиб кўзингиз қувнайди. Аммо ана шу меҳнат маҳсулига нисбатан бепарволик оқибатида давлатга минг-минглаб зарар етказилаётганини кўпчилилик билмас керак.

ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ, РАИСЛАР!

Экинларнинг пайхон қилиниши галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилининг сезиларли даражада камайишига олиб келмоқда. Бу ҳўлнинг вужудга келишига энг аввал ҳўжалик раҳбарларининг ушбу масалага нисбатан бепарволиклари, зарур чора-тадбирларни кўрмаганликлари сабаб бўлмоқда.

Маълумки, шу йилнинг 12 январида Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларнинг пайхон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Айнан ушбу қарор ҳам бў йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга, мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Ҳўш, ўтган давр мобайнида қандай ишлар амалга оширилди?

Утказилган текширишлар натижасига кўра, биргина январь ва февраль ойларида Тошкент вилоят прокуратураси томонидан экинларни пайхон қилиш ҳолатлари бўйича 8 та маъмурий, 1 та интизомий ва 4 та жиноий иш кўзғатилган. 11 та шахс расмий равишда огоҳлантирилди. Етказилган 67100 сўм миқдоридagi зарарни ундириш учун туман судларига даъво аризалари киритилди.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар қандай қарор энг аввало халқ манфаати, юрт равақини кўзлаб қабул қилинади. Бирок, гуруҳ курмаксиз бўлмагани каби, орамизда ҳамон халқ мулқига нисбатан лоқайд муносабатда бўлган, давлат хазинасига жиддий зарар етказаятган кимсалар ҳам учрамоқда. Оҳангарон тумани, «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигининг 2-бўлимидаги ижарачи У.Мадиярова тегишли бўлган галла майдонининг 4 гектарини фуқаролар К.Жумақуллов, А.Мирзалиев, К.Бойилов ҳамда П.Ҳожиакбаровларга қарашли 12 бош йилки пайхон қилган. Бунинг натижасида жамоа ҳўжалиги 238 минг сўм моддий зарар кўрган. Ҳўш, бу фуқаролар пайхон қилган майсалар эртанги ризқ-рўзимиз эканлигини билмас эдиларми? Жуда яхши билишади. Эл ризқини оёкоти қилишга йўл қўйиш ноинсофлик эмасми?!

Минг афсуски, қарорнинг ижроси юзасидан баъзан ҳўжалик раҳбарлари, мутасадди шахсларнинг ўзлари ҳам етарли даражада чора-тадбирлар кўришмапти. Улар экинларни пайхон бўлишига йўл қўймаслик масаласига иккинчи даражали иш деб қараб, ўзларини четта

олмақдалар. Чиноз туманидаги «Эшонобод» жамоа ҳўжалигида 1999 йил мобайнида экинларнинг сурункали пайхон қилинишига йўл қўйилган. Натижада ҳўжалик кўрган зарар 180673,53 сўмни ташкил этган. Туман прокуратураси томонидан ҳўжалик раисининг муовини У.Мамбетовга нисбатан Жиноят Кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилди.

Яна бир мисол. Мазкур қарорнинг ижроси юзасидан Бекобод туман прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижасини олайлик. Тумандаги «Навбахор» деҳқон-фермер ҳўжалигида ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида 7 ҳолатда бугдодзорлар пайхон қилинган аниқланган. Бундан 41556 сўм зарар кўрилган. Жорий йилнинг январь ойда эса худди шу ҳўжалик ҳудудида ташкил этилган «Шербўта Болтабоев» номили фермер ҳўжалигида 11 та ҳолат аниқланган. Кўрилган зарар 149500 сўмни ташкил этган. Ахир бундай бепарволикни қандай баҳолаш мумкин? Ҳукумат қарорига бепасандлик, масъулиятсизлик билан ёндошган ҳар қандай раҳбар қонун олдида жавоб бериши керак. Юқоридаги ҳолат бўйича туман прокурори «Навбахор»

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайхон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги 1994 йил 21 ноябрдаги Фармонининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, унинг сўзсиз бажарилиши учун мансабдор шахсларга нисбатан талабчанликни оширсин.
(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларнинг пайхон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қароридан)

деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси А.Эгамбердиев ва бошқаларга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, дастлабки тергов жараёни олиб берилмоқда.

Мамлакатимизда галла мустикалигини таъминлаш йўлида улкан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиёти шартинда айнан ушбу масала жуда муҳим эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Модомики, шундай экан, кўп қовуштириб ўтириш, масалага лоқайдлик билан қараш ярамайди. Қарорнинг ижроси нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, қишлоқ ҳўжалик корхоналари, кўйингки, ҳар бир фуқаронинг масъулиятига боғлиқ. Қарорда таъкидланганидек, галла пайхон қилиниши мумкин бўлган жойларда кузатув постлари ўрнатиб, дала қоровуллари ишлари самарадорлигини ошириш бўйича туман, ҳўжалик раҳбарлари зарур тадбирлар қўллаши керак.

Ботир ПЎРОЛИТОВ, Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдამчиси, адлия кичик маслаҳатчиси

Республикамиз иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалиги алоҳида мавқега эга. Мазкур соҳада исллохотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши мамлакатимиз истикболига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Ўтган йиллар давомида исллохотлар самараси ўлароқ, қишлоқ ҳўжалиги тизимини жиддий ўзгартириш юз берди. Чунончи, соҳада ҳўжалик юртишининг янги субъектлари шаклланди, мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлган тадбиркор деҳқон ва фермерлар синфи пайдо бўлди. Уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишлари учун ҳуқуқий пойдевор яратилди. «Фермер ҳўжаликлари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шундай ҳужжатлардан бирidir.

Агар қишлоқ ҳўжалигида исллохотлар жараёнининг бориши таҳлил этиладиган бўлса, кўзда тутилган натижаларга ҳали эришилмаганлиги аён бўлади. Яъни соҳада исллохотларни жиддаллаштириш жуда сусткашлик билан бормоқда. Бунинг эса сабаблари кўп. Улардан бири фермер ва тадбиркорларнинг тегишли қонунлардан беҳабарлиги, ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини билмаслигидир. Масалан, юқорида номи кўрсатиб ўтилган қонун деҳқон ва фермер ҳўжаликлари фаолиятининг асосий қафолатидир. Лекин шундай бўлса-да, мазкур соҳа вақилларининг аксарияти ушбу қонун моҳиятини тўла тушуниб ет-

масликлари сабабли ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайдилар. Бунни кўйидаги мисоллар билан изоҳлаймиз. «Темур» фермер ҳўжалиги ташкил этилганлигига қинда бир йилдан ошади. Лекин ханузгача ер олганча йўқ, Фермернинг Навбахор тумани «Гигант» жамоа ҳўжалиги раҳбарига 10 гектар ер олиш учун қилган мурожаати эса ер йўқ, деган баҳонада рад қилинган. Натижада, «Темур» фермер ҳўжалиги ханузгача ўз фаолиятини бошлай олмаяпти.

«Тўрабек» фермер ҳўжалиги эса 1994 йилда ташкил этилган. Ҳўжаликнинг 10 гектар ери бўлиб, уни 10 йил муддатга ижарага олган. 4 бош

қорамоли, 20 бош чўчқаси бор. Айни вақтда фермада 6 нафар ишчи меҳнат қилаётди. «Тадбиркор» банкда ўз ҳисоб рақамига эга. Аммо ҳисобнида маблағ йўқ. Ташкил этилган буюн бирон марта ҳам кредит олмаган. Ваҳоланки, ҳўжаликнинг

ҳам 10 гектар ери бор. Унинг 7 гектарига бугдод, 3 гектарига эса маккажўҳори эккан. Ташкил этилган йили «Бизнес-фонд»нинг вилоят бўлимидан уч йил муддатга 26 фойз

ставкада муносабатини ўзгартириш, ҳақиқий мулкдорлик, ижара шартномаси асосида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотга эғалик тўғрисида қарор таътириш эканини улар ҳали тўлиқ тушуниб етмапти», дея фермер ва тадбиркорлар фаолиятига ҳаққоний баҳо бериб ўтган эди. Демак, энг аввало, уларда ана шу тўғйуларни шакллантириш, уларни ҳар жиҳатдан кўлаб-қувватлаш эканлиги, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида исллохотлар тўсиқлардан холи бўлолмади.

ПОЙДЕВОР БОР, АММО...

имтиёзли кредит олиш учун катта имкониётлари бор. Фермер эса бундан фойдаланиш йўлини қидирмаган. «Тўрабек» фирмаси фақатгина вилоят дон маҳсулотлари уюшмаси билан дон топшириш хусусида шартнома тўзган. Ўтган йили уюшма билан 27 тонна дон топшириш хусусида тўзган шартномасини ошири билан бажариб, 192 минг сўм даромад қилган. Фермер ҳўжалиги бир сонда қишлоқ ҳўжалиги техникасига эга эмас.

«Бешкент» деҳқон-фермер ҳўжалиги Навоий туман ҳокимининг қарори билан 1997 йилда ташкил этил-

устамаси билан 1 млн. сўм кредит олган. Айни вақтда муддатга ўтган 548000 сўм кредит қарзи бор. Ҳўжалик «Консигнатор» фирмаси билан гўшт топшириш хусусида шартнома тўзган ва ўтган йилда 11 тонна 500 кг. гўшт топшириб, 320 минг сўм даромад қилган. Вилоят дон маҳсулотлари уюшмасига эса 16 тонна дон топшириб, 271 минг сўм даромад қилган. Айни вақтда эса маблағи йўқлиги сабабли, ҳатто минерал ўғит олиш чорасини тополмаяпти.

Президентимиз Ислмо Қари-

меҳнатга муносабатини ўзгартириш, ҳақиқий мулкдорлик, ижара шартномаси асосида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотга эғалик тўғрисида қарор таътириш эканини улар ҳали тўлиқ тушуниб етмапти», дея фермер ва тадбиркорлар фаолиятига ҳаққоний баҳо бериб ўтган эди. Демак, энг аввало, уларда ана шу тўғйуларни шакллантириш, уларни ҳар жиҳатдан кўлаб-қувватлаш эканлиги, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида исллохотлар тўсиқлардан холи бўлолмади.

Тоҳир ЖУМАНОВ, Кармана туман прокурорининг ёрдამчиси, 3-даражали ҳуқуқшунос

«ХУҚУҚ» КА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«НЕГА УН ТАНҚИС?»

«Хуқуқ»нинг 2000 йил 9 февраль сонида мухбиримиз Қ. Жўраназаровнинг «Нега ун танқис?» сарлаҳали мақоласи эълон қилинган эди.

Сир эмас, охири пайтларда вилоятларда аҳолига ун маҳсулотларини етказиб беришда эътирозлар учрамоқда. Айниқса, Сурхондарё вилояти аҳолисидан ун танқислиги бўйича шикоятлар келиб турибди. Мақола эълон қилингандан кейин мана, тегишли жойлардан жавоблар келди. Бирок, шу вақт оралиғида яна ушбу вилоятнинг Музаброт тумани Ат-Термизий жамоа хўжалиги «Искра» маҳалласи аҳолиси номидан ун танқислиги бўйича шикоят хати келиб тушди. Унда таъкидланишича, 1999 йил сентябрь-октябрь ойлари учун ҳар жон бошига 4 килодан ун берилган, ноябрь ойидан бошлаб эса 3 килодан тарқатила бошланган. У ҳам ўз вақтида тарқатилмай, аҳоли сарсончилиги сабаб бўлган.

Шу ўринда Сурхондарё вилоят прокуратурасининг ушбу масалага билдирган фикрини баён қилиб ўтмоқчимиз.

«...Мақолада ахс эштирилган ун танқислиги муаммолари ҳақиқатда ҳам вилоятда мавжуд.

...1999 йилда об-ҳавонинг ёмон келиши, нағарчиликнинг юқорилиги ҳамда вилоятда етиштирилган галланинг занг қасалига чалиниши ҳосилининг қарийб 40 фоиздан ошганининг нобуд бўлишига сабаб бўлган. Хўжаликлар ихтиёрида бугдой бўлмаган. Аҳоли томорқасида етиштирилган бугдой ҳажми эса 39344 тоннани ташкил этган.

Матлуботсавдо тизими 1999 йил режадагидай 60 тонна зиёд ун келтирган.

2000 йилнинг январь ойида жон бошига 4 кг. 124 грамдан ун тарқатилган.

Ун маҳсулотлари танқислигини ҳисобга олан ҳолда «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси Тошкентдаги «Вега-Сервис» фирмаси билан 600 тонна ун олиб келиш бўйича 1999 йил 24 декабрда шартнома тўзган. Шу шартномага кўра бугунги кунгача 165 тонна ун олиб келиниб, вилоят туманларига тақсимланган.

Бундан ташқари 2000 йил 14 февралда Ўзбекистон-Россия Америка «Вертик-Агро» қўшма корхонаси билан 10 000 тонна ун олиб келиш учун шартнома

тузилган. Шартномага кўра, бугунги кунгача 146 тонна ун келтирилди ва қўнига 80-100 тонна ун келтирилмоқда.

«Сурхондарёсавдо» АК тизимидаги савдо корхоналари орқали 1999 йил ...72 тонна фондан ташқари ун олиб келинган...» ва ҳоказо.

Маълумотдан кўринадики, вилоятда 1999 йилда ун режадагидан ошғи билан келтирилган ва аҳолига тарқатилган. Хўш, унда нега вилоятда ун танқислиги мавжуд? Нега «ун етишмайди» деган мазмунда шикоят ёзилмоқда?

Жавобдан аниқланишича, аҳолининг ун маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун турли ташкилотлар ва фирмалар билан шартномалар тузилган ва ун маҳсулотлари келтирилган. Лекин, шуларнинг ичида давлат таъминотидаги ун маҳсулотлари қанча миқдорда ва қайси нархда келтирилган-у, фирмалар билан тузилган шартномада асосда олиб келинган ун ва нон маҳсулотлари қайси нархда бўлгани ҳақида аниқлик киритилмаган. Ўз-ўзидан маълумки, «Вертик-Агро», «Вега-Сервис» каби фирмалардан келтирилган ун ва нон маҳсулотларининг нархлари давлат таъминотида бўлган ун нархларидан анча қиммат туради. Бундай нархлардаги ун маҳсулотларини сотиб олишга оддий деҳқоннинг ҳар доим ҳам қурби етмавермайди. Буни сир тутишнинг ҳолати бўлмаса керак.

«2000 йилнинг январь ойи учун «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси томонидан 6805 тонна ун маҳсулоти ажратилган бўлиб, жон бошига қандаш сотиш, нон шалаб чиқариш ва умумий оқватлиги билан биргаликда 4,0 килোগрамдан тўғри келган», дейди Сурхондарё «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Р. Мардонов тахририятга йўллаган жавоб хатида. - «Жорий йилнинг февраль ойи учун 7617 тонна ун ажратилган бўлиб, жон бошига 4 кг. 830 грамдан тўғри келади, яъни 2000 йилнинг 2 ойида 1999 йилнинг 2 ойига нисбатан жон бошига 1кг. 120 грамдан ортққ демакдир».

Хўш, аҳолининг ун маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш

учун олиб борилаётган ишлар 2000 йил мобайнида вилоятда ун танқислигига барҳам берилишига ва шикоятларга ўрин қолмаслигига имкон берадими? Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари М. Қурбоновнинг маълум қилишича, шартномага асосан «Биродари Сафе» ташкилоти билан 600 тонна ун учун шартнома тузилган бўлиб, шу кунгача 150 тоннаси келтирилган, қолган 450 тоннаси эса келтирилмади.

Шунингдек, ушбу корхона билан тузилган шартномага асосан, март-апрель ойларида Қозғистондан 2000 тонна галла келтирилдиши мўлжалланган.

Тошкентнинг 2-ун қўнмагани билан 500 тонна ун келтириш бўйича шартнома тузилган бўлиб, шундан 48 тоннаси «Жайхўн» ҳисадорлик жамиятига олиб келинган бўлиб, қолган 450 тоннаси март-апрель ойида келтириш режалаштирилган.

Вилоят ҳокимининг 2000 йил 15 февраль кунги хати орқали Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир ўринбосари М. З. Усмоновдан аҳолининг ун ва нон маҳсулотларига бўлган талабини тўғри қондириш мақсадига 2000 йилнинг 1-чорғи учун қўнмагани равишда 2000 тонна ун маҳсулотлари ажратилиши сўралган. Худди шу мазмундаги хатлар билан Ўзбекистон Республикаси дош маҳсулотлари давлат акционерлик корпорацияси раиси О.АТАЕВ, «Ўзбекбирлашув» акционерлик компанияси раиси М.БЕКЧАНОВ номига хатлар юборилган.

Энг муҳими, Вазирлик Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги 604-сонли қароридан кўрсатилган аҳолини ун ва бошқа 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ижроси юзасидан прокурорлик назорати қўнчайтирилган ҳамда 604-сонли қарор ижросини таъминлаш учун тадбир ишлаб чиқилиб, барча мутасадди назорат қилувчи органларга ва туман, шаҳар ҳокимликларига ижро қилиш учун юборилган.

Ўйлаيمизки, Сурхондарё вилоятида олиб борилаётган шу каби ишларнинг самараси амалда кўринадиган ҳақида аҳолининг эътирозлари ва шикоятларига ўрин қолмайди.

«ЎҒРИ ОЗОДЛИҚДА ЮРИБДИ»

(«Хуқуқ», 8-сон, 23 февраль, 2000 йил)

Газетамизда юқоридagi сарлаҳа остида эълон қилинган мақолага Республика прокуратураси ички ишлар идораларида тергов ва сурштирувни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи имзоси билан қўйидаги жавоб хати олдиқ:

«Хуқуқ» газетасида чоп этилган «Ўғри озодликда юрибди» мақоласи Сирдарё ва Сурхондарё вилоят прокуратуралари томонидан жиноят иши ҳужжатлари асосида кўриб чиқилди.

Аниқланишича, 1999 йил 1 август кунига ўтар кечаси номаълум шахслар Гулистон шаҳар, 3-мавзе, 19-уй, 23-хонада яшовчи Холида Абдуллоҳонованинг уйига эшик қулфини бузиш йўли билан кириб, 140 минг сўмлик тилпа тақинчоқлар, «Сони» видеомагнитофони ва чарм курткани ўғирлаб кетишган.

Ушбу ҳолат юзасидан фуқаро Х.Абдуллоҳонованинг аризасига асосан 1999 йил 4 августда Гулистон шаҳар ИИБ ТБ томонидан ЖК нинг 169-моддаси 3-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилган ва дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилган.

Дастлабки тергов натижаларига кўра, мазкур жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш имконияти бўлмагани сабабли, жиноят иши 1999 йил 4 октябрь кунги ЖКнинг 364-моддаси 1-қисми 1-банди билан ҳаракатдан тўхтатилган.

1999 йил 15 октябрда жиноят иши Гулистон шаҳар прокурори томонидан назорат тартибда ўрганиб чиқилиб, ишни ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисидаги қарор бекор қилинган ва бир қатор қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш кераклиги кўрсатилиб, Гулистон шаҳар ИИБ ТБ га юборилган.

Олиб борилган қўшимча тергов давомида мазкур жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш имконияти бўлмагани тўғрисида, ишни ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисидаги қарор бекор қилинган ва бир қатор қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш кераклиги кўрсатилиб, Гулистон шаҳар ИИБ ТБ га юборилган.

Фуқаро Ж.Абдулазизовнинг бир бош сигири ўғирлаб кетилган ҳолат юзасидан 2000 йил 23 февралда Музаброт тумани прокурори томонидан ЖКнинг 69-моддаси 3-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилган ва дастлабки тергов ҳаракатлари туман ИИБ ТБ терговчиси Б.Ҳолимуқовлов томонидан олиб борилган. Жиноят иши Сурхондарё вилояти прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, тергов ҳаракатлари сифатсиз ва бир томонлама тергов қилинаётгани тўғрисида маълум қилинган. Мазкур жиноятни ўз вақтида рўйхатдан ўтказмаган туман ИИБ ходимларига нисбатан хизмат текшируви тайинланган. Текширув натижасига кўра уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш масаласи ҳал қилинади.

Шунингдек, мақолада савдо бирлашмаси раисининг ўқаси уйдан бир бош оти ўғирлангани, лекин ўғирлик зудлик билан фот эшитгани кўрсатилган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2000 йил 28 январь кунги Музаброт тумани ИИБ ТБ томонидан фуқаро С.Эргашевнинг аризаси асосида жиноят иши қўзғатилиб, тезор-тергов ҳаракатлари олиб борилиш натижасида ушбу жиноятни Б.Аллаёров ва Б.Норқуловлар содир этганликлари аниқланган. Жиноят иши 2000 йил 22 февралда айблов ҳулосаси билан мазмунан қўриш учун туман судига юборилган.

Жиноят ишлари терговни юзасидан Республика прокуратураси томонидан назорат ўрнатилди.

МУНТАЗАМ НАЗОРАТ ҚИЛИНМОҚДА

Рўзномада чоп этилган «Бугунги майса - эртанги бугдой» сарлаҳали мақола вазирликнинг тегишли бошқарма ва тобе ташкилотлари мутасассислари томонидан чуқур ўрганиб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 январдаги 10-сонли «Экинларнинг пайхон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида» қарорининг бажарилишини таъминлаш бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2000 йил 21 январда 9-сонли буйруғи чиқарилиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирига ҳамда барча вилоятлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошқалирига етказилди.

Барча вилоятларда қишлоқ хўжалиги экинларини назоратсиз қолдирмаслик, ғаллазорлигининг пайхон қилинишига йўл қўймаслик тўғрисида тадбирлар ишлаб чиқилди.

Вилоят ва туманларда Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг мутасассислари, маҳаллий прокуратура, суд, ички ишлар ходимлари, Қишлоқ фуқаролари йигинлари вакиллари, жамоа хўжалиги мутасассислари билан биргаликда жойларда махсус гуруҳлар ташкил этилиб, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, Вазирлик мутасассислари томонидан Республика телевидениеси, радио ва матбуот саҳифаларида чиқилар ташкил этилиб, экинларнинг пайхон қилинишига йўл қўймаслик ҳақида тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Лекин қўнчайтирилган назорат ўрнатилишига қарамадан айрим вилоят, туман ва хўжаликлардаги раҳбар ва мутасассисларнинг, айниқса, хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизликлари натижасида экинзорларнинг чорва моллар томонидан пайхон қилиниши ҳолларига ҳамон йўл қўйилмоқда.

Вазирлик раҳбарияти томонидан рўзномадаги «Бугунги майса - эртанги бугдой» сарлаҳали мақолада қайд этилган фактларнинг содир этилишида камчиликларга йўл қўйган туман ва хўжалик раҳбарларига нисбатан кескин чоралар қўриш тўғрисида топшириқ берилди.

Вазирликнинг мутасассислари, барча вилоятларга хизмат сафарига чиқиб, жойлардаги раҳбар ва мутасассислар билан биргаликда экинзорларнинг пайхон қилинишига йўл қўймаслик бўйича белгиланган тадбирлар ижросини мунтазам назорат қилмоқдалар.

Т.САТТОРОВ,

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги деҳқончилик бош бошқармаси бошлиғи

ИМКОНИ БЎЛМАЯПТИ...

Тахририятимизга Андижон вилояти Шаҳрихон тумани «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги «Найман» кишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан хонадонларни табиий газ билан таъминлашда тез-тез узилишлар бўлаётганлиги, бу муаммо 3 йилдан бери ечимини топмаётганлиги ҳақида шикоят хати келган эди.

«Андижонгаз» вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Д.Тўрақулловнинг таъкидлашича, хат муаллифлари истикомат қилаётган хонадонларнинг газ асбобларига мейёрдаги газ миқдори етказиб берилаётганлигининг асосий сабаби ушбу фуқаролар Шаҳрихон газ тақсимлаш шохобчасидан газ билан таъминланувчи охириг истаб-молчилардан ҳисобланганлигидир. «Андижонгаз» вилоят бошқармаси «Узтрансгаз» АК

си билан тузган шартномада кўрсатилган табиий газ тўловларини ўз вақтида тўлаётганлиги сабабли газ билан таъминлашнинг имкони бўлмапти.

Ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг табиий газдан фойдаланилганлик учун қарзи ортиб бормоқда. Жумладан, Шаҳрихон туман аҳолисининг қарзи 240684800 сўмни, «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги «Найман» кишлоғида яшовчи 155 та хонадон соҳибларининг умумий қарзи 690900 сўмни ташкил қилади.

Газ таъминотини яхшилаш ва дебитор қарзларни ундириш учун бир қанча ишлар қилинмоқда. Бунинг учун газдан фойдаланганлик учун газ ҳақини ўз вақтида тўлаш, қўшимча захира жамғариш тўғрисида аҳоли огоҳлантирилган.

Тахририятдан: Қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Газдан фойдаланганлик учун ҳақини ўз вақтида тўлаш шарт, албатта. Лекин «Андижонгаз» вилоят бошқармаси ҳам аҳолининг ҳақли талабини қондириш учун амалий ишга ўтиши керак, деб ўйлаймиз. «Таъминлашнинг имкони бўлмапти» дейиш билан масъулиятни зиммидан соқит қилиш даврлари эса аллақачон ўтди.

ХУҚУҚИЙ



Маслаҳатхона

САВОЛЛАР

ЖАВОБЛАР

Маълумки, шахс тўлиқ муомала лаёқатига 18 ёшдан эга бўлади. Айтингчи, уй-жой олиш учун ҳам шу ёшга тўлган бўлишлик шартми?

К. Зарипов.
Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар 18 ёшга тўлгач, шунингдек, шу ёшга тўлмасдан туриб ҳам, яъни ҳали никоҳ ёшига етмасдан туриб қонунида назарда тутилган ҳолларда - тегишли тартибда никоҳ тузганлар, эмансипация қилинган, ишлаётган (16 ёшга тўлган) шахслар уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олишга ҳақлидирлар.

Эмансипация - 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш. Бу ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг қарори ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Ўтган йил менга ва оямга бувимнинг уй-жойи мерос бўлиб ўтди. Мен айни пайтда шу уйда яшаб келаяман, оям эса бошқа жойда яшайпти. Уй-жой учун солиқни қим тўлаши керак? Шунингдек, солиқ қачондан бошлаб тўланади?

Д. Шарипова.
Тошкент вилояти, Тошкент тумани

Мерос бўйича ўтган мол-мулкдан мулк солиғи мерос очилган пайдан бошлаб тўланиши керак.

Уй-жой тариқасидаги мулк учун солиқ унинг ҳақиқий эгалари қаерда яшашларидан қатъий назар тўланиши шарт. Бу каби мулкка нисбатан ҳар икки мулк эгаси ўз улуши бўйича солиқ тўловчи деб тан олинади. Шунинг учун ҳам, сизнинг ва опангизнинг улуши тенг бўлса, солиқ тенг равишда тўланиши лозим.

Янги автомашина олиб ундан узоқ вақт давомида фойдаланилмаган бўлса ҳам транспорт солиғи тўланиши керакми? Агар мен бу вақт давомида солиқ тўламай юрсам, ўтган давр қандай аниқланади?

К. Уматов,
Андижон вилояти.

Янги олинган транспорт воситалари учун мол-мулк солиғи автомашина олинган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ўтган давр эса транспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан берилган маълумотнома асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Транспорт воситасидан фойдаланганлик ёки фойдаланмаганликдан қатъий назар мол-мулк солиғи тўланиши шарт.

Мен яқин тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келардим. Лекин яқинда айрым сабабларга кўра бу фаолиятни тўхтатишга тўғри келди. Энди мен декларация беришим шартми?

А. Егорова.
Фаргона шаҳри.

Декларация беришингизга тўғри келади. Тадбиркорлик фаолияти тўхтатилган бўлса, бу ҳақда солиқ органини фаолият тўхтатилган пайтдан бошлаб беш кун ичида ёзма равишда хабардор қилиш лозим.

Фаолият тўхтатилганидан кейин ўн беш кун ичида эса солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ва даромадлар ҳақидаги декларация тақдим этилиши керак.

Жиноят иши бўйича кўп ҳолатлар фақат уни содир этган шахснинг ўзига маълум бўлсада, дастлабки тергов ва суд жараёнларида бу ҳолатларни унчалик эътибор берилмаган. Иш юзасидан чиқаришдан ҳўққдан нарзоти бўлиб юқори инстанцияларга мурожаат қилинганда, жиноят иши назорат тартибидида қўрилганда судланувчи қатнашиши керакми?

Ж. НОРБОВА
Сирдарё вилояти

Иш юзасидан зарур бўлиб қолган тақдирда суд судланувчини ишда қатнашишга жалб этиши мумкин.

Мен жамоа ҳўжалигида оддий ишчи бўлиб ишлайман. Укаларим эса, ҳали мактабда ўқийди. Дадам оғир касал бўлганликлари туфайли уларга онам қарайдилар, шу сабабли ҳеч қаерда ишламайдилар. Биз укаларим учун ўн олти ёшгача бўлган болаларга тўланадиган

нафақа олар эдик.

Лекин яқинда янги сайланган маҳалла қўмитаси раиси, бизга бу нафақа берилмаслигини айтиб уни тўхтатиб қўйди. Айтингчи, унинг ҳаракатлари қонунийми?

Н. Комилов,
Сурхондарё вилояти.

Ушбу нафақа уни олишга муҳтож бўлган, туғилган, болаликка ва ҳомийликка(васийликка) олинган 16 ёшга тўлмаган болалари бўлган оилаларга тайинланади.

Бу нафақа ота-оналардан бирининг берган шахсий аризаси бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан оиланинг моддий ва мулкий аҳволи ўрганиб чиқилгандан кейингина тайинлиши мумкин.

Оиланинг моддий ва мулкий аҳволини ўрганиб чиқилганида текшириш далолатномаси тузилиб, унда қўйидигилар кўрсатиб ўтилади: текширилаётган оиланинг таркиби; оила умумий даромадининг миқдори;

оила аъзолари даромадлари шаклланишининг асосий манбаалари;

катта ёшдаги оила аъзоларининг иш билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган оиланинг умумий даромади(пенсия, стипендия, шунингдек, шахсий ёрдамчи ҳўжаликда олган даромадлар)лари қўшиб чиқилади ва ҳосил бўлган сумма оила аъзолари сонига тақсимланади. Агар текшириш якунилари бўйича оила ҳақиқатдан ҳам бунга муҳтож эканлиги аниқланса ва бу тегишли ҳўжатлар билан ўз тасдиғини топса, нафақа тайинлиши ва тўланиши шарт.

Мен 1986 йилдан 1999 йил май ойигача Тошлоқ туман халқ таълими бўлими мудири лавозимида ишладим. 1999 йил 3 май куни саломатлигим ёмонлашгани туфайли бошқа ишга ўтказишларини сўраб вилоят халқ таълими бошқармасига ариза ёздим. Лекин 5 май куни аҳволим бирдан оғирлашиб қолиб бир ой давомида даволашишга тўғри келди. Шифохонада бўлган вақтда вилоят халқ таълими бошқармаси саломатлиги ёмон бўлганлиги туфайли ўз хоҳиши билан ишдан

бўшатилди, деб буйруқ чиқарган. Меҳнат дафтарчани ҳам шифохонада олдим. Даволашиб чиққач аввалги лавозимимга тиклашларини ёки шунга тенг бўлган иш беришларини сўраб вилоят ХТБга, туман ХТБга мурожаат қилдим. Лекин улар аризамни эътиборсиз қолдиришди.

Менга нисбатан қилинган ҳаракатлар қонунийми?

С. Каримов,
Фаргона вилояти, Тошлоқ тумани.

1. Меҳнат кодексининг талабига мувофиқ, ходим вақтинча(!) меҳнатга қобилиятсизлиги даврида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин эмас.

Қачонки ходим соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайиқ бўлиб қолган бўлсагина иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин(МКнинг 100-м. 2-қисми). Лекин бу ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни камида икки ҳафта олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт. Бу огоҳлантириш мuddати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра пуллик компенсация билан алмаштирилиши ҳам мумкин.

Медицина муассасасининг тиббий ҳулосасига кўра ходимнинг соғлиғи маъзур ишни бажаришга нолайиқ бўлганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинганда юқоридигидек огоҳлантириш қилинмайди. Бунда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдорига компенсация тўланади.

Меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси 2-қисмига мувофиқ бекор қилинганда ходимга ишдан бўшатилш нафақаси тўланади (нафақанинг

миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас).

2. Объектив сабабларга кўра (МК 100-м. 2-қ) меҳнат шартномасида белгиланган вазифаларини давом эттиришининг имкони бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни тақлиф этиши шарт. Агар муассасада мувофиқ келадиган иш мавжуд бўлмаса ёки ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортса, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

3. Иш берувчи ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра(тиббий ҳулосага кўра) енгилроқ ёки нуқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсириндан холи бўлган вақтинча ёки мuddатини чекламай ана шундай ишга ўтказиши шарт.

Агар у аввалги ишдан кўра енгилроқ, лекин камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилса, шундай ишга ўтказилган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида ходимнинг олдинги ўртача иш ҳақи сақланади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларга риоя этилмаганда тегишли тартибда судга мурожаат қилиш лозим.

Кейинги пайтларда давлатимизнинг фуқароларга бўлган муруввати тарзида бир нечта амнистия эълон қилинди. Ана шу мурувват натижасида шахс жиноят содир этганлиги аниқ далиллар билан тасдиқланган бўлишига қарамастан унинг устидан олиб борилётган тергов ҳаракатидан тўхтатишмоқда. Айтингларчи, бу одам гарчи айбдор бўлса ҳам жазоланмай қолаверадими?

Нодир М.
Андижон вилояти.

Маълумки, ҳар бир эълон қилинган амнистия актида авф қилиниши лозим бўлган жиноятлар аниқ кўрсатиб ўтилади. Унга эса барча жиноятлар ҳам тушавермайди. Амнистия ижтимоий ҳавфи унча катта бўлмаган, биринчи марта жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ва шунга ўхшаш жиноятларга нисбатан татбиқ этилади.

Шахснинг жиноят содир этганлиги тегишли

далиллар билан тасдиқланганда, лекин амнистияга асосан жиноят иши юритувдан тўхтатилган бўлса, айбланувчи, судланувчи ва унинг ақиллари иш юритилишини талаб қилса, жиноят иши умумий тартибда давом эттирилиши мумкин.

Лекин бундай ҳолларда ҳўққ қилиш учун асослар мавжуд бўлса ҳам, айблов ҳўққи жазо белгиланмасдан чиқарилади.

Ишсизлик нафақасининг миқдори қанча? Ёзғариб турайдими?

А. МАВЛОНОВА,
Қарши шаҳри.

Ишсизлик нафақаси қонун ҳўжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига фонз ҳисобида белгиланади.

Ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган шахсларга (уни олиш ҳўққига эга бўлган) ишсизлик нафақаси олдинги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг элтинчи фонзи миқдорда, аммо белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган ва нафақани ҳисоблаш пайтида Ўзбекистон Республикасида таркиб толган ўртача иш ҳақидан ортққ бўлмаган миқдорда тўланади.

Қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган болалари ва бошқа кишилар бўлган ишсиз шахсларга нафақа миқдори ўн фонзга оширилади.

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ**Жўракул Шарипов ўзи ким?**

Шикоят-аризадан маълум бўлишича, Ж. Шарипов Жиззах вилоят судининг 1996 йил 6 май кунги ҳукми билан озолиқдан маҳрум қилиниб, ўтган йил озолиқда чиқарилган. Аммо аризагўй суд ҳукмидан норози... Шу сабабдан Жиззах вилоятда сафарда бўлди. Журналист текшируви даврида аниқланишича, Ж. Шарипов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Жиззах вилоят Назорат-тафтиш бошқармасида II тоифали тафтишчи бўлиб қизмат қилган. 1993 йил вилоят прокуратурасининг 15/93-сонли хатига мувофиқ белгиланган тартибда «Олтин куз» кичик корхонасининг хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳужжатлари асосида тафтиш қилади. Тафтиш натижаларига кўра кичик корхонанинг мансабдор шахслари устидан жиноят иши кўзгатилиб, улар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилган.

1995 йил 21 июнь кунги корхонанинг мансабдор шахслари ака-ука Бахтиёр ва Набижон Қодировларнинг кўрсатмалари асосида вилоят прокуратурасининг терговчиси А. Эргашев ва тафтишчи Ж. Шарипов устидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилади. Бироқ кўзгатишган жиноят ишидан А. Эргашевга тааллуқли ҳужжатлар алоҳида иш юриштирилмади акратилиб, тафтишчи Ж. Шарипов кичик корхона тафтиш қилиш даврида ўз хизмат мансабини суистеъмол қилиб, кичик корхонага кирим қилинган:

1) умумий нархи 1.895.481 рубль 70 тиёнлик 19900 кг. микдордаги полиэтилен гранулалар;

2) умумий нархи 892.800 рубль 24 тонна металл труба ва 288.000 рубллик 20 дона автомобиль аккумуляторлари;

3) умумий нархи 1.383.973 рубль 80 тиёнлик 25995 кг. микдордаги оқ туналарнинг - жами 4.460.254 рубль 87 тиёнлик корхона мулки ака-ука Бахтиёр ва Набижон Қодировлар томонидан талон-торож этилганлигини қасддан яширганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг (эски тахрирда) 149-моддаси 2-қисми билан;

Бундан ташқари, талон-торож қилинган жуда кўп микдордаги корхонанинг мулкни тафтиш қилиш натижалари тўғрисида тузган «Далолатнома»-сида қайд этиб ўтмаслик эвазига умумий нархи 800.000 рубллик 200 дона ДВП, умумий нархи 3.300.000 рубллик 150 дона гилам-поёндоз ва умумий нархи 3.001.112 рубллик «Москвич» русумли энгил автомобиль машинаси - жами 7.101.112 рубль микдорда моддий қимматликларни пора тарихида олганлиги учун ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми «а», «б», «в» бандлари билан айбланади.

Ж. Шарипов кичик корхонада тафтиш ўтказиш даврида мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, корхонанинг жуда кўп микдордаги мулки талон-торож этилганлигини қасддан яширганлиги корхонада қайта тафтиш ўтказган тафтишчи Х. Мавлоновнинг «Далолатнома»-си орқали тўлиқ тасдиғини топади. Шунга асосан корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан қўшимча айб эълон қилиниб, 1996 йил 29 март кунги Тошкент вилоят судида суд тергови ҳаракатлари яқунланган. Бироқ Тошкент вилоят судининг мазукур ҳукми орқали Ж. Шарипов корхонани тафтиш қилиш даврида хизмат мансабини суистеъмол қилиб, ака-ука Қодировларнинг жиноий жавобгарликдан сақлаб қолиш мақсадида жиноят содир этмаганлиги исботланади. Чунончи, Тошкент вилоят судининг суд тергови жараёнида а) кичик корхонага кирим қилинган 19.900 кг. микдордаги полиэтилен гранулалари Самарқанд шаҳридаги «Сухроб» кичик корхонасига; б) 24 тонна металл труба ва 20 дона автомобиль аккумуляторлари «Ором» кичик корхонасига қонунда белгиланган тартибда чиким қилинганлиги ва улар эвазига «Олтин куз» кичик корхонаси ҳисоб рақамига пуллар келиб тушганлиги; в) аҳолига сотилган 25.995 кг. оқ туналарнинг тушум пуллари ҳазинага тўлиқ кирим қилинганлиги тасдиқланади. Шунга мувофиқ, ака-ука Қодировлар мазукур ҳолатлар юзасидан оқланади. Бундан ташқари, уларнинг жиноий хатти-ҳаракатида уюшган гуруҳ аломати топилмаганлиги боис, «уюшган гуруҳ» ибораси олиб ташланган. Шу ердан Ж. Шариповга нисба-

3-қисми «в» бандини чиқариб ташлаб, ҳаракатдан ётқизган.

Шу билан, бир қарашда адолат қарор топгандаки туолади. Аммо бир савол туғилади: Ж. Шарипов қилмишининг ҳақиқий ҳолати қандай? Ж. Шарипов ака-ука Бахтиёр ва Набижон Қодировлар томонидан корхонанинг жуда кўп микдордаги мулкни талон-торож этганлигини қасддан яшириб, уларни тафтиш натижалари тўғрисида тузган «Далолатнома»-да қайд этмаслик эва-

иккинчи томондан эса, тафтиш хулосаси қонун талаблари даражасида тузилганлиги ака-ука Қодировларнинг манфаатини кўзлаб, мулкнинг фойда олмаганлигини тасдиқламайдими?

Шунингдек, тафтишчи Х. Мавлонов Тошкент вилоят судида суд томонидан тўпланган ҳужжатларни текшириб чиқиб, ака-ука Қодировлар кичик корхонанинг киримида бўлган 19.900 кг. полиэтилен гранулалар, 24 тонна металл труба ва

уни пора тарихида берди? М. Бегманов айтганидек, Ж. Шарипов оморда расмийлаштирилмасдан сақлаб турган ДВП ва гилам-поёндози (жумладан, машинани ҳам) кўргач, уларни инвентаризация қилиб давлат фойдасига ўтказиб юбораман деб, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилди дейиш ҳеч қандай асогага эга эмас. Чунки машина оморда турмаган. Бундан ташқари, у ака-ука Қодировларга тегишли ҳам эмас. Дарҳа-

ШАРИПОВНИНГ АЙБИ

НИМА?

зига пора олиш жиноятини содир этмайдими? Агар шундай бўлса, Ж. Шарипов ЖКнинг 149-моддаси 2-қисми билан оқланиши - тафтиш ўтказиш даврида мансаб ваколатини суистеъмол қилмаганлиги мулкнинг фойда олиш мақсадида пора олиш жиноятига қасд қилиш аломатини ҳам йўққа чиқармайдими? Шундай экан, унинг қилмишида ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми «а», «б» бандларининг қолдирилишига асос нима? Назаримда, саволни мана бундай тарзда қўйиш тўғриск бўлади: Ж. Шарипов ака-ука Қодировларнинг манфаатини кўзлаб ижтимоий хавфли қилмиш содир этмаган экан, тафтишчига улар қайси хизмати эвазига пора берди? Айтгандай, қиши ҳақ бўлиб туриб қимгадир пора бериши мумкинми? Мумкин, фақатгина бунинг учун одам ё ўта гўл бўлиши керак ёки... Лекин ака-ука Қодировлар биз ўйланган даражада қўйиб қўйилган. Бу фикрини улар жиноий жавобгарликка тортилгунга қадар вилоятда кўзга кўринган тадбиркорлардан бўлганлигини ўзиёқ тасдиқлайди. Унда нега тафтишчига пора берди?

Маълумки, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида жиноят содир этган шахсни содир этган ижтимоий хавфли қилмиш учунгина жиноий жавобгарликка тортиш шартлиги белгилаб қўйилган. Ж. Шариповнинг қилмишида ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми «а», «б» бандлари қолдирилди, демак, Ж. Шарипов пора олиш жиноятини содир этган. Шундай экан, масалага чуқурроқ ёндашмоқ лозим, назаримда. Ҳўш, ижтимоий хавфли қилмишсиз жиноий хавфли оқибат келиб чиқishi мумкинми? Албатта, йўқ. Агар шундай бўлса, Ж. Шарипов айбдор деб топилган (ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми «а», «б» банди) қилмиш билан оқибат ўртасида сабабий боғланиш қани? Маълумки, пора олиш таъма нияти билан қасддан содир этилган жиноятлар тоифасига киради. Яъни, пора олиш жиноятини содир этганликда айбланган учун пора олганига пора берувчининг манфаатларини кўзлаб бажариши лозим бўлган ёки ўз хизмат вазифини фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни бажариш (бажармаслик) эвазига моддий бойликка эга бўлишга қасд қилган бўлиши керак. Ж. Шариповнинг қилмишида қасд қани? Мазкур савол яна бир ўринли саволни туғдиради: Тошкент вилоят суди ака-ука Қодировларни Ж. Шариповга қўйилган айб юзасидан оқлаш ўз-ўзидан Ж. Шарипов тафтиш натижалари тўғрисидаги «Далолатнома»-сини тузишда, бир томондан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этмаганлигини,

Ж. Шарипов ЖКнинг 149-моддаси 2-қисми билан оқланиши, ўз-ўзидан юқоридаги фикрларимизни, яъни биринчидан, ака-ука Қодировларни жиноий жавобгарликдан сақлаб қолиш ниятида пора олиш жиноятини содир этмаганлигини тасдиқласа, иккинчидан, машинани ҳақиқатан ҳам А. Бүриевдан сотиб олганлигини тасдиқлайди.

Бунга ойдинлик киритиш мақсадида давлат айбловини қувватлаган М. Бегманов билан учрашиб, нима учун суд музокарасида айбловнинг мазмунини ўзгартириб, бироқ келтирилган қассияда протестида айбловнинг мазмунини ўзгартириш фикридан воз кечганлиги сабабини сўраганимизда:

«Мен ҳали ҳам ўша фикрданман. Чунки Ж. Шариповнинг қилмишида ЖКнинг 149-моддаси 2-қисми, 210-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ижтимоий хавфли ҳаракатлар йўқ, - деган жавобни олди.

«Нимага асосланиб бундай фикр айтаяпсиз?»

«Суд тергови жараёни шунинг англанди.

Маълумки, ЖКнинг 456-моддасига мувофиқ, суд ўз ҳукмининг эълон қилишда фақат суд муҳокамаси даврида текширилган ва белгиланган тартибда исботланган далилларгагина асосланиши лозим. Шу нуқта назардан айтганда, М. Бегманов томонидан айбловнинг мазмунини ўзгартириш сўралганлиги асослидир. Негаки, суд тергови даврида ака-ука Қодировлар 7.101.112 рубль микдордаги моддий қимматликларни Ж. Шариповга пора тарихида эмас, балки уларни сотганлигини, аммо Ж. Шарипов уларнинг пулини бермай юрганлиги айтиди.

Ҳўш, ўз кўрсатувини 3-4 марта ўзгартирган ака-ука Қодировлар 200 дона ДВП, 150 дона гилам-поёндоз ва «Москвич» энгил автомашинасини Ж. Шариповга пора тарихида сақлаб келган 3000 дона ДВПни 1990-1991 йилларда Россия Федерациясининг Пермь ва Красноярск шаҳарларидан айирбошлаш (бартер) йўли билан олиб келганлигини айтса, Бахтиёр Қодиров уларни ўз пулига сотиб олганини айтиди.

Ҳўш, оморда ДВП ҳақиқатан ҳам келтирилганми?

Кичик корхонанинг материаллар бўйича ҳисобчиси Р. Мустафоева, кадрлар бўлими бошлиғи Г. Дрючина ва аспедитор Ж. Оқилвоннинг айтишича, Ж. Шарипов корхонани тафтиш қилиш вақтида 2000 донага яқин ДВП бўлган. Ж. Шарипов ДВП расмийлаштирилмасдан сақлаб турганлигини кўргач, уларни инвентаризация қилиш орқали давлат ҳисобига ўтказиб юбориши билан қўрқиб, ўзига пора беришни сўраган. Шунинг учун бўлса керак, Б. Қодиров 1994 йил 28 декабрь кунги берган биринчи курсатувидан, Ж. Шариповга 2000 дона ДВП

ЖОСУСЛИК ХИЗМАТИ

КЕМБРИЖНИНГ СИРЛИ ТЎРТЛИГИ

(Лекин гилам-поёндоз ва машина тўғрисида айтмаган) берганлигини айтади. Майли, у тафтишчидан кўржани учун ҳам ДВПни берган, дейлик. Лекин масаланинг бир ўйлантирадиган томони бор: ака-ука Қодировларнинг мақсади тафтишчига ДВПни бериш орқали уларнинг давлат ҳисобига ўтиб кетишининг олдини олиб қолиш, яъни мулкни асраб қолишми? Агар шундай бўлса, ДВПнинг ҳаммаси (2000дона)ни беришдан нима наф? Назаримда, мазкур мантқиқсизлик сезилиб қолган, 1995 йил 14 февралда - орадан салкам икки ой ўтиб 2000 дона ДВПни 200 тага алмаштирган ва 200 дона ДВПнинг қаторига негадир 150 дона гилам-поёндоз ва «Москвич» энгил автомашинаси ҳам қўшилган.

Хар ҳолда бу сингари шубҳали ҳолатларга суд аниқлик киритиши лозим эди. Дароқе, гилам-поёндоз масаласи ДВП ва машина масаласидан ҳам чигал. Чунончи, гилам-поёндозларни Б. Қодиров Б. Азимов орқали номаълум кишилардан сотиб олган. Бироқ қачон? Масаланин шу жиҳати маъмулғичка қолган. Чунки Б. Азимов бир гал гилам-поёндозларни Б. Қодиров 1992 йил ноябрь ойида сотиб олганлигини айтса, бир гал 1993 йилнинг кузида олганлигини айтади. Бундан ташқари, гилам-поёндозлар омборхонага эмас, Б. Қодировнинг уйига туширилган дейди.

Хўш, гилам-поёндозлар омбордамиди ёки Б. Қодировнинг уйида? Журналист текшируви даврида кичик корхонада материаллар бўйича ҳисобчи вазифасида хизмат қилган Р. Мустафоева билан учрашиб, сўрагандик:

«Ўрақур (Шарипов) ака корхонани тафтиш қилаётган вақтда омборда ДВП ҳам, гилам-поёндоз ҳам йўқ эди, - деди у.

Кичик корхонанинг ходимлари Г. Дючина ва Ж. Қодировлар ҳам худди шу фикрни айтишади. Демак, гилам-поёндоз омборда бўлмаган экан, у қаерда эди? Шу муаммога аниқлик киритиш мақсадида Б. Қодиров билан учрашдик:

«Айрим ходимларингизнинг айтишича, Ж. Шарипов кичик корхонани тафтиш қилаётган вақтда омборда гилам-поёндозлар бўлмаган экан, - деб сўрагандик, деди:

«Тўғри, гилам-поёндозлар омборда йўқ эди. Улар бошқа жойда турганди.

Демак, Б. Қодировнинг гилам-поёндоз корхонанинг омборида нафақат сақланмаган, балки улар бу ерга олиб ҳам келинмаган. Шундай экан, Ж. Шарипов тафтишқилиш даврида омборда бўлмаган гилам-поёндозларни инвентаризация қилиб, давлат фойдасига ўтказиб юбориш билан кўржиди дейиш асослими? Демак, Б. Азимовнинг фикрида жон бор: гилам-поёндозлар Б. Қодировнинг уйида бўлган. Ж. Шарипов гўеки омборда гилам-поёндозларни корхонага кирим қилинмаганлигини билгач, уларни инвентаризация қилиб, давлат ҳисобига ўтказиб юбориш билан кўржиди дейди. Ака-ука Қодировлар уларнинг давлат ҳисобига ўтиб кетишининг олдини олиб қолиш мақсадида Ж. Шариповга 150, яъни гилам-поёндознинг ҳаммасини беради. Уэ-ўзидан савол туғилади: ака-ука Қодировлар гилам-поёндозларни тафтишчига бериш орқали нимани мақсад қилишганди? Шубҳасиз, уларни сақлаб қолишни. Шундай экан, уларнинг ҳаммасини беришдан нима наф?

Корхона омборида нафақат гилам-поёндоз, балки ДВП ҳам бўлмаган. Шундай дейишга дедик, аммо кишини бир ҳолат ўйлантиради: ахир ДВП ва гилам-поёндоз ўйлаб топилмагандир. Агар улар ўйлаб топилмаган бўлса, уларнинг мажбу бўлган ёки бўлмаганлиги нега бунчалик шубҳали? Хўш, қонун қўлланадими юзга келган шубҳалар кимнинг фойдасига ҳал бўлиши лозим?

Шавқиддин ҒАНИЕВ,
«Хукук» муҳбири

Вақти келиб ажойиб қобилиятлар соҳиб бўлган Энтони Блант Тринити коллежидаги иқтисодий ёшларнинг йўлбошчиси айланди. Математика, тил ва санъат фанларидан нақадар билимга эга эканлигини кўрсатиб қўйган ушбу талаба айни вақтда коллеж илмий кенгашининг аъзоси ҳам эди. Кейинчалик эса шу ерда ўқитувчилик қила бошлайди. Унга кўплаб талабаларнинг ҳаваси келар, у билан ақинлашиш истагида юришарди. Коллеж талабаларидан — кейинчалик Ким лақабини олган Гирольу Филби ва либерал кабинет вазирининг ўғли Дональд Маклинлар Блант билан танишиб, у билан яқин муносабатда бўладилар. Хар иккала талаба ҳам коммунистик ғоғга эътиқод қўйган, қалблари капитализмга нафрат билан лиммо-лим тўла эди.

Ўқини тамомлагач, Маклин Ташқи ишлар вазирлигига йўлланма олади.

Гай Бержен эса Тринити коллежини тугатиб, парламент аъзоси Жек Макнамарининг ёрдамчиси сифатида иш бошлайди. Бу вақтга келиб Бержен бир неча марта Москвада бўлади ва совет разведкаси раҳбарлари билан учрашиб, бевосита улардан топширқилар олади. Бержен Лондонга қайтган, рус разведкаси билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатади.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Гай барча Европа ҳукумати бошлиқларига давлат почтасини етказиб берадиган махфий курьер сифатида фаолият бошлайди. Айни вақтда Бержен Британия махфий хизмати маҳкамаларига ҳам хизмат қилиб юради. Бу иблисларча оғир ишлар унга яхшигина даромад ҳам келтиради.

1939 йилда Британия махфий хизмати Берженни доимий ишга қақриб, яхшигина лавозим тақлиф этади.

Бу вақтда эса Венада фаолият кўрсатаётган Ким Филби нацистлар қамқоғоналарида ётган коммунистларни озодликка чиқариш ишларига қўмақлашиб юради. Кейинчалик Филби совет жосуси бўлган ўз рафикаси билан Лондонга қайтади ва тез орада консерватив йўналишдаги арбоб сифатида жамоатчиликка танилади.

1937 йилда Ким «Таймс» газетасининг муҳбири сифатида Испаниядаги фуқаролар урушини еритиш учун сафарга юборилди. Бу республикачиларни қўллаб-қувватлаётган русларни керакли ахборотлар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Энтони Блант ҳам Берженнинг кўмаги билан маҳкаманинг МИ-5 бўлимига ишга ўтади.

Филбининг махфий хизмат маҳкамасига ишга ўтгач бўлган уринишлари эса зое кетди. Аммо орадан бир неча йил ўтга, ушбу маҳкаманинг юқори мартабали раҳбарларидан бири унга кўнғирок қилиб, ҳамкорлик қилишга қақриди. Бу эса Ким учун айни мудоао эди. Кейинчалик уни разведка маҳкамасининг янги ташкил этилган D бўлимида ишлашга тақлиф қилишади. Мазкур бўлим Европада кўпуровчилик ишларини олиб бориш билан шуғулланиши керак эди. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, МИ-5 фаолияти мамлакатда хавфсизлик чораларини кўришга қаратилган бўлса, МИ-6 чет эллардан жосуслик маълумотлари олишга қаратилган. Бу вақтда эса уларнинг барчаси юқоридаги вазифаларда туриб ўзларининг совет ҳўжайинлари фойдасига ишларидилар. Лондондаги совет элчихонаси орқали эса улардан олинган махфий маълумотлар уэлкусиз равишда Москвага оқиб келарди.

Филби марказий разведка архивидан жосуслик билан шуғулланётган агентлар рўйхати, уларнинг қолдир, радиотўқинлари ўнчаларини сирлаш билан шуғулланар, Блант эса атом тадқиқотлари соҳасидаги сирларни қўлга киритишга уринарди. Тахминан шу вақтларда Блант янги вазифага — қиролчи саройидаги расмлар галереясининг инспекторлигига тай-

1951 йилда совет агентлари Бержен ва Маклинларнинг айғоқчилик фаолиятларининг фош этилиши Совет Иттифоқининг Буюк Британиядаги жосуслик тармоқларининг издан чиқишига олиб келди.

Ажабланарлиси шундаки, XX асрнинг энг хавфли жосуслар гуруҳи машҳур Кембриж университети доирасида шаклланди. Мазкур гуруҳнинг шаклланиши асримизнинг 30-йилларига тўғри келади. Уша йиллари бир гуруҳ талабалар Кем дарёси бўйлаб саяҳатга чиқишарди. Қалблари ҳис-тўйгулар, келажакка бўлган умид-ишончлар билан лиммо-лим тўла талабалар саяҳат давомида кишилик тузумлари хусусида кўпдан-кўп мунозара қиладилар ва улар факатгина коммунизмга ижтимоий тузум сифатида оддий кишиларнинг яхши ҳаёт кечирилиши таъминлаши мумкинлиги ва факат угина фашизмга қарши курашишга қодир деган хулосага келадилар. Хоинлар гуруҳининг ядросини Гай Бержен, Дональд Маклин, Энтони Блант ҳамда Ким Филби ташкил қиладди.

инланади. Бу унга Англиянинг энг юқори табақалари билан алоқа ўрнатиш имконини беради.

1944 йилда эса совет разведкаси учун ишлаётган Маклин Вашингтондаги инглиз элчихонасининг канцелярия бошлиғи лавозимига тайинланади. У бу ерда совет элчиси билан танишиш йўлларини қидиради. Чунки унинг қўлида рус разведкаси учун асқотадиган жуда кўп махфий маълумотлар тўпланиб қолганди. Масалан, у Рузвельт ва Черчилларнинг урушдан кейинги сиёсат ва ҳарбий режалар қандай бўлиши хусусидаги режалари лойиҳасидан нусха олишга муваффақ бўлганди.

Урушдан кейин Маклин АҚШ ва Англиянинг атом бомбаси устидаги тадқиқот ахборотларини таснифлаш кўмитасининг котиби этиб тайинланади.

Бу вақтга келиб Филбини ҳам янги лавозимга кўтаришади. У разведка маҳкамасининг 9-бўлими, яъни СССРга қарши жосуслик фаолиятини назорат қилиш бўлими бошлиғи этиб тайинланади. Шундай қилиб, НКВД, кейнрок эса КГБ инглизлар томонидан режалаштирилаётган ҳар бир жосуслик ҳаракатини олдиндан билиш имкониятига эга бўлади. Совет разведкасининг бунчалар кўп маълумотларни қандай қўлга киритаётганлиги эса

Фарб давлатларини қаттиқ ташвишга қўяди. Бундан биринчи бўлиб АҚШ безовта бўла бошлайди. Ҳамманинг бошини эса бир савол қотирарди: қандай қилиб руслар қилинмоқчи бўлган ишлар хусусида илгаридан хабардор бўлмоқдалар?

1945 йил августда инглиз разведкаси Вольков фамилияли КГБ ходими Англияга қочиб ўтмоқчи эканлиги ҳақида маълумот олади. У ташқи ишлар вазирлигида ҳамда разведка идораларида советлар фойдаси учун ишлаётган уч жосуслик номини айтишга ваъда берган эди. Буни қарангки, Вольков билан учрашиб Филбига топширилади. Филби рус қочоғи билан Туркияда учрашади. Шундан сўнг ватанига қайтган Вольковнинг Москва қўчаларидан бирида миёнадан ўқ еган жасадини топишади...

Бу пайтга келиб уруш нихосига етганди. Бержен эса фаолиятини ташқи ишлар вазирлигида давом эттиради. У вазир ўринбосари Гектор Мих Нейлиннинг шахсий ёрдамчиси лавозимини эгаллайди. Бироқ доимий фош бўлиш хавфи унга ва Маклинга қаттиқ таъсир қиладди — иккалasi ҳам ичкиликка ружу қўяди.

Бержен ҳам қундан-қун хароб бўлиб бораётган эди. Бунинг устига у нуфузли давраларда Англия шаънига нордон таъналар ёғдиришдан ўзини тийиб туролмасди. Шундай бўлса, уни Вашингтондаги Англия элчисининг биринчи котиби вазифасига тайинлашади. АҚШда у собик ҳамқори Филби билан учрашиб қолади.

1951 йилга келиб Филби разведка маҳкамасининг юқори мавқеларидан бирини эгаллайди. Шу туфайли у яқин орада Маклиннинг фош этилишидан хабардор бўлади. Бироқ у америкаликлар унинг ўзини ва Берженнинг кирдиқорларини фош этиш устида ҳам зимдан тайёргарликлар кураётганлигини ҳатто хаёлига келтирмасди. Филби қандай бўлмасин Маклинни оғохлантириш хусусида бош қотирарди. Филби бу хабарни дўстига Бержен орқали етказмоқчи бўлади. Бироқ, у расмий сабабсиз Британияга қайта олмас эди. Лекин бунинг ҳам йўли топилади. Бержен бир неча мартаба жиддий жанжаллар чиқаради ва бундан газабланган элчи уни Англияга қайтариб юборарди. У ватанига қайтган захоти МИ-5 да ишлаётган Блант орқали «Почта кабутери» (Маклиннинг шартли лақаби) яқин орада қамқоққа олинишини маълум қиладди. Шундан сўнг Маклин таътилга чиққанлигини эълон қиладди ва таътилга чиққан қуниёқ кечкурун Бержен билан паромга ўтириб, Францияга ўтиб кетадилар.

Уларнинг шошилинч равишда қочиб кетганлиги ҳукумат органларини (Давоми 8-бетда)

МАХСУС ХИЗМАТ ХАЙРОН

Буюк Британиянинг Bletchley Park музейида сақланаётган ноёб ёдгорлик -

Егунга рақамли машинаси гоийб бўлди. Маълумки, иккинчи жаҳон урушида нацистлар махфий хабарларни айирбошлашда ана шу қурилмадан фойдаланишган эди.

Оддий ёзув машинкасига ўхшаш ўғирланган техник қурилма нархи 100000 фунт стерлингга баҳоланмоқда. Бугунги кунга келиб, бундай нусхадаги техника дунёда атиги уч дона қолган, холос.

Шуниси ажабланарлики, кейинги икки ҳафта ичيدا Британия махсус хизматига тегишли техник қурилмаларни ўғирлаш учинчи марта содир бўлди. Шу йилнинг 23 мартда М15 разведка жосусининг махфий ҳужжатлар киритилган компютери ўғирланган бўлса, 5 кун ўтгач, М16 махсус хизмат жосуси ўта маст ҳолатда ўз ноутбукини йўқотиб қўйган эди.



ЯШИРИН ЙЎЛЛАР БИЛАН

АҚШ марказий разведка бошқармаси тақдим этган сўнгги маърузада айтилишича, Қўшма Штатларга ёлланма ишчилар сифатида фойдаланиш учун келтирилаётган аёллар ва болаларнинг салмоқли улуши асосан Россия, Чехия, Таиланд, Вьетнам, Хитой, Мексика, Филиппин, Малайзия, Латвия, Венгрия, Польша, Бразилия ва Гондурас ҳиссасига тўғри келади.

МРБ маълумотида кўра, ҳар йили АҚШга яширин равишда 50 минг нафар аёл ва бола олиб ўтилмоқда. Улар эса хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлашга мажбур қилинмоқда.

МРБ маълумотларида қайд этилишича, дунё бўйича ҳар йили 700 минг нафардан 2 миллион нафаргача аёл ва бола кул савдосининг қурбони бўлмоқда. Экспертлар ҳисоб-китобига кўра, бундай бизнес ҳар йили 17 миллиард доллар миқдориде даромад келтирмоқда.

ЖОСУСЛИК ХИЗМАТИ

КЕМБРИЖНИНГ СИРЛИ ТҮРТЛИГИ

(Бошланиши 7-бетда)

икки ўт орасида қолдиради: Демак, улардан бошқа жосуслар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ушбу масалада ўтказилган кенгашда Бержен ва Маклинларнинг қочиби кетишида Филбининг айбдор эканлиги хусусида тўхтамга келишга атиги бир соат вақт кифоя қилади. МИ-6 бошлиги Филбини худди билан Лондонга чақириб олади. Филби суроқ жараёнида ўзини шундай сурбетларча тутиб, бутун айбни Маклинни қочишига ёрдам берган Берженга тўнкайди.

Маклин ва Бержен 1956 йилда эса расмий равишда Москвада пайдо бўладилар. Бу ерда уларни коммунизм учун курашчилар сифатида шарафлайдилар.

Филбининг жосуслик ҳаракатлари фош этилмас-да, уни истеъзога чиқариб юборишда ва қилган хизматлари учун 1000 фунт-стерлинг билан мукофотлашди. МИ-6 бўлимида эса ҳақиқий талваса бошланади. Жосуслик ҳаракатларининг олдини олмаганликда айбланган 10 нафар ходим ишдан ҳайдалади.

1955 йилда ҳукумат ниҳоят Маклинлар иши бўйича парламент хулосасини эълон қилди. Бу ҳисобот ғирт масҳарабозликнинг ўзи эди. Шундай қилиб, Филбини фош этишга бўлган охириги уриниш ҳам муваффақиятсиз якуланди ва МИ-6 нинг собиқ жосуси тўла галаба қозонди.

Ушбу воқеадан сўнг МИ-6 Кимдан тагин фойдалана бошлади. У «Обсервер» газетасининг Якин Шаркдаги мухбири сифатида фаолият кўрсата бошлади ва совет разведкасини махфий маълумотлар билан таъминлашда давом этади. МИ-6 бўлими Филбининг хизматидан фойдаланса-да ҳамон унга қўйган қўлқонини йиғиштириб олмаган эди. МИ-6 нинг назарига Ким советлар фойдасига ишлаётган жосу эди ва бу гуомин КГБ ходими Анатолий Блицин Англияга қочиби ўтгандан сўнг узил-кесил иботланди. Хонин Филбини Кембриж тўртлигининг учинчи вакили эканлигини фош этди.

1963 йилда Филбининг эски дўсти, жосус Николас Эллиат Якин Шаркка учди. Унинг сафаридан қўзланган мақсад Кимнинг жосуслик фаолияти билан боғлиқ маълумотларга ойдинлик киритиш эди. «Сен мендан кўп йиллар давомида фойдаландинг, — дейди у Филбига. — Энди, бутун ҳақиқатни билгим келади, ҳатто уни ичингдан сўғуриб олишга тўғри келса ҳам!» Ким эски дўстини кўп қийнамади. Икки томон учун ишлаган жосуслик фаолиятини батафсил ёзиб беради. Бироқ алкоқалар хусусида мик этмайди ва ёзма икромномасини имзолашдан ҳам бош тортади.

Шундан сўнг Эллиат янги кўрсатмалар олиш учун Англияга қайтади. Филби эса СССРга қочади. Олий Совет унга сийёсий бошлана берди. Филби совет фўқаролигига эга бўлади ҳамда КГБга ишга ўтади.

Британияда эса Кембриж тўртлигининг ягона вакили — Энтони Блант қолган эди. Унга баъзи бир енгилликлар берилиши хусусида қаролат берилгач, Блант барча қилмишларига икром бўлди. Унинг айблари исботланса-да, у ўз вазифасида, яъни қиролича саройидаги расмлар галереясининг катта инспектори бўлиб қолаверди. Шундай қилиб, Кембриж тўртлиги фаолиятига нуқта қўйилди.

Орадан ўн тўрт йил ўтгач, бу воқеалар шов-шув даражасига кўтарилди. Бош вазир Маргарет Тэтчер ҳам Энтони советлар фойдасига ишлаганига икром бўлишга мажбур бўлди. Кўп ўтмай Бэкингем саройи вакили Блант рицарлик унвонидан махрум қилинди ва шармандаларча ишдан ҳайдалади ва хору зор бўлиб вафот этади. Ундан бир йил олдин эса Бержен касаллик туфайли дунёдан ўтганди. Маклин эса Блант билан деярли бир вақтда вафот этганди. Филби эса ҳамон КГБ сафида фаолият кўрсатарди.


... 1982 йил. Британия киргоқлари қўнида лангар ташлаб турган рус кемаси палубасида қўлида дурбин ушлаган киши қаршисида ястаниб турган манзараларга соатлаб кўз тикиб турарди. Бу — ўз ватанини охириги марта кўриб қолишга қарор қилган Ким Филби эди.

Филби 1988 йилда Москвада вафот этди. Уни бутун ҳарбий расм-русмлар билан Куңцов қабристонига дафн этишди.

Якин ўтган йилларда эса энг яхши совет жосусларидан бири Ким Филбининг фаолиятига бағишланган «Суперагент» деб номланган китоб савдога чиқди. Унинг муаллифи собиқ жосусликнинг турмуш ўртоғи Руфин Филби эди.

Хориж матбуотидан
Бехзод МҮМИНОВ таржимаси

КРОССВОРД



Энига: 1. Республикамиздаги эстрада гуруҳи. 3. Узум нави. 6. Россиядаги дарв. 8. Газлама тури. 10. Физик атама. 11. Республикамиздаги шаҳар. 13. Коинот. 15. Географик атама. 17. Ҳаё. 18. Кема қисми. 19. Муסיқий нота. 20. Машхур ҳинд шахматчиси. 22. Ўғил болалар исми. 24. Қасам. 26. Европадаги давлат. 29. Геометрик термин. 32. Хитойдаги тоғ. 33. Дунёдаги энг узун темир йўл тунели. 34. Республикамиздаги вилоят. 35. Таом пиширишда уста киши. 36. Чоқ. 38. Аёллар бош кийими. 40. Бошоқли экин. 42. Касаллик тури. 43. Курилиш ашёси. 44. Товуш, сас. 45. Бадийий ижод маҳсули. 49. Кир ювиш қукуни тури. 51. Мансабдорнинг маълум хизмат учун оладиган «ҳақи». 53. Электроника маҳсулотлари билан хажонга машхур япон фирмаси. 55. Тиббиёт ходими. 56. Қимматбаҳо металл. 58. Исломда ҳаром қилинган нарсалардан бири. 59. Ўғилнинг каттаси. 60. Суд ходими. 61. «Уолт ...». 62. Ўқотар қурол.

Бўйига: 1. Йиртқич ҳайвон. 2. Сузувчи музтоғ. 3. Ҳўл.

4. Ҳамма нарсага одил ҳақам. 5. Тўнни тесқари кийган ҳолда қилинадиган ҳаракатлар. 6. Инсон. 7. Қирғизистон пул бирлиги. 9. Автомобиль тури. 13. Чорва тўдаси. 14. Э. Воҳидов қаламига мансуб дoston. 16. Россияда ишлаб чиқариладиган автомобиль. 21. Қиз болалар исми. 22. Кийимнинг ички қисми. 23. Чўқур қазиб қилинадиган бошлана. 25. Оғирлик ўлчови. 27. Чет давлатга чиқиб учун керакли ҳужжат. 28. Қушлар уйи. 30. Андижон вилоятидаги шаҳар. 31. Мухаммад пайғамбарнинг жуфти ҳалолларидан бири. 34. Бўхоро амирлиги солиқчиларининг халқ орасидаги номи. 37. Вақт бирлиги. 39. Кўрсатиш олмоши. 41. Диний устоз. 46. Гўдакнинг озуқаси. 47. Болалар пойафзали ишлаб чиқарувчи республикамиздаги қўшма корхона. 48. Машхур рус футболчиси, дарвозабон. 49. Табиий бойлик. 50. Бомба тури. 52. «Шайтанат» романи қаҳрамони. 54. Ҳашорат. 55. Ис. 57. Ҳисобчилик иш қоғози.

Тузувчи: Л. НОРКУЛОВ

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Гашиш. 5. «Оскар». 7. «Саламандер». 12. «Валидол». 13. Андижон. 14. Нишон. 15. Ажрим. 16. Инок. 18. Марс. 20. Торонто. 22. Нур. 23. Герб. 25. Кинолог. 28. Нок. 30. «Никон». 31. Катод. 32. Улуш. 35. Фарғона. 36. Атланта. 38. Сурхондарё. 43. Литва. 44. Мафия.

БҮЙИГА: 1. Гаров. 2. Шиа. 3. «КИА». 4. Кон. 5. Оре. 6. Роман. 8. Лион. 9. Динамит. 10. Алишер. 11. Ажин. 14. Наманган. 15. Адо. 17. Оқу. 19. Сиёб. 20. Танк. 21. Олег. 22. Неон. 24. Рекорд. 26. Илк. 27. Ондатра. 29. Оғу. 33. Лена. 34. Анор. 35. Фозил. 37. Аския. 39. Ука. 40. Хун. 41. Дуо. 42. Рим.

9 - САҲИФА

Ҳатто қайнона ҳам баъзида хушмуомала, бағри кенг ва ёқимли бўлиши мумкин.

ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИ

Уитни Хьюстон

Мерфи Уитнингнн ҳўлини сўраганда ёш хонанда бу таклифни мамнуният билан қабул қилади. Аммо, табиатан ювош Эддининг «қора оқшў» билан бахтли онлари узоққа чўзилмади — Уитнингнн қаршисида шов-шўвлари билан ном қозонган реп қўшиқларининг моҳир ижрочиси Бобби Браун пайдо бўлади.

Саҳнадаги қорин Эдди ҳаётда айрилиқ азобини татиб кўришга мажбур бўлади. Дарвоқе, Уитни Боббининг асирига айланганди. Ҳатто, Боббининг ичкиликка ўчлиги, дуч келган хотинга илакишадиган одати борлиги, унинг турли аёллардан тўрт нафар фарзанд орттирганлиги ҳам «қора оқшў»нинг севгисига тўсиқ бўлолмади.

Тез орада уларнинг тантанали никоҳ тўйлари бўлиб ўтади. Бобби ҳаётини янгидан бошлашга, ўзидаги барча ёмон қусурлардан қутулишга интилади. Аммо, кўп ўтмай уларнинг муносабатига ҳам совуқлик оралайди. Уша пайтларда «Танкўриқчи» фильми экранларда намойиш этилар, Уитни машхурлар ичра машхурга айланган эди. Бобби тушуниб етадики, самодаги чараклаб турган юлдузлар каби парвоз этаётган Уитнини тутишга унинг қўли қалталиқ қилади. Ҳатто, қизлари — Сиси тўғилгандан сўнг ҳам уларнинг муносабатларида деярли ўзгариш юз бермади. Ҳа, иккала юлдузнинг ҳаёти шундай давом этмоқда. Санъати билан хажонга танилган, кучли иктидор эгаси Уитни Хьюстон кичик оиласида тотувликни йўлга қўйишга куч топилмапти...

У қўпична гастроллар, концертлар уюштириш ҳақидаги таклифларни рад этмоқда. Бунга сабаб, асабий юриши оқибатида овозининг йўқолиб бориши бўлса керак.

КУЛГИ БЕКАТИ

ҚАЙНОНАЖОН, О, ҚАЙНОНАЖОН...

— Биз ёзда бутун оиламиз билан биргаликда битта йўлланмага дам олдик.

— Бўлиши мумкин эмас. Қандай қилиб?

— Бу жуда оддий. Йўлланма билан қайнонамни жўнатдик...

...

Қайнона куёвига ўтмиши ҳақида сўзлаяпти:

— Ёшлигимда ақлсиз, инжиқ ва хунук эдим...

Куёв:

— Ойижон, кўп сиқилманг, сиз ҳали ҳам ўша-ўшасис...

...

Қайнона куёвига:

— Сен мени сувдан қутқариб олган эркакни кўрдингми?

— Албатта, у кеча мендан кечирим сўраб кетди.

...

— Ваня, сен ҳали ҳам шу ердამисан. Ахир қайнонангни кўмиш маросимига кеч қолсан...

— Нималар деяпсан? Мен учун биринчи навбатда иш, кейин байрам...

...

Эр-хотин дорихона олдида ўтиб кетишадиган эди. Хотиннинг кўзи бино тепасидаги илон тасвири туширилган тиббиёт эмблемасига тушиб эридан сўради:

— Азизим, бу нимани англатишини тушунтириб бер.

— Сенинг онанг музқаймоқ яляпти...

Биз чемпион бўламиз.

Р. НУРИНБОЕВ сурати